



## АКТИВЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жаримбетов Ажинияз Курбанбаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-1837-8289

[ajiniyaz.jarimbetov@gmail.com](mailto:ajiniyaz.jarimbetov@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада 2020-йил 24-февральдаги ПК 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида МХХС ларига утган корхоналар ҳисоботларида активлар қадрсизланиши ҳисобини туғри юритиш бўйича МХХСлари тахлил қилинган ва илмий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** активлар қадрсизланиши, халқаро бухгалтерия кенгashi, активнинг қопланадиган қиймати, активнинг хаққоний қиймати, дисконтланган қиймат, фойдаланиш қиймати, фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисобот.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИНАНСОВОГО УЧЕТА ОБЕСЦЕНЕНИЯ АКТИВОВ

Жаримбетов Ажинияз Курбанбаевич

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье на основании решения ПК № 4611 от 24 февраля 2020 года «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности» проанализированы МСФО и разработаны научные предложения и рекомендации относительно правильного учета Обесценение активов в отчетности предприятий, получивших МСФО.

**Ключевые слова:** обесценение активов, международный бухгалтерский совет, возмещаемая стоимость актива, справедливая стоимость актива, дисконтированная стоимость, ценность использования, отчет о прибылях и убытках.

## IMPROVING THE FINANCIAL ACCOUNTING OF ASSET IMPAIRMENT

Jarimbetov Ajiniyaz Kurbanbaevih

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** Based on decision PC No. 4611 of February 24, 2020, “On additional measures for the transition to international financial reporting standards,” the article analyzes IFRS and develops scientific proposals and recommendations regarding the correct accounting of asset impairment in the reporting of enterprises that have received IFRS.

**Key words:** asset impairment, international accounting council, asset's recoverable amount, asset's fair value, present value, value in use, income statement.

### **Кириш.**

Активлар қадрсизланиши ҳисобини юритиш масалалари ҳозирги кунда мамлакатимизда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Чунки, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтган ташкилотлардан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари активлар қадрсизланиши ҳисобини юритишни талаб қилмоқда. 36 сон “Активлар қадрсизланиши” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (кейинги ўринларда БХХС) ҳисобчилардан активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошмаслигини, қадрсизланишдан кўрилган заарни фойда ва заарлар ҳисоботида зарар сифатида тан олишни талаб қиласди. Ва бу талабларни бажаришда ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳисобчиларда жуда кўп муаммоли вазиятларга учрашига олиб келмоқда. Ва бу муаммоли вазиятларни юмшартириш учун, 36 сон “Активлар қадрсизланиши” БХХС ва бошқа активларга алоқадар стандартларни чуқур ўрганишни, тахлил қилишни ва уни амалиётда қўллаш буйича тавсиялар ишлаб чиқиши талаб қилмоқда.

Жаҳонда активлар қадрсизланиши буйича 36 сон “Активлар қадрсизланиши” БХХС биринчи маротоба 1997 йил Халқаро бухгалтерия кенгаши тамонидан қабул қилинган бўлиб, стандартга ҳозирги кунгача жуда кўплаб ўзгаришлар, қўшимчалар киритилиб келмоқда. Масалан, 1998, 2004, 2008, 2009, 2013 йилларда стандартга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган бўлиб, асосан 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози давридан кейин, инқироз даврида йирик компанияларда қаттиқ ёмон молиявий муаммолар келиб чиқмаслиги учун 36 сон “Активлар қадрсизланиши” БХХС га жуда кўп ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиш кераклигини кўрсатди. Ва буннан хуласа қилиб жаҳон ҳисобчилари активлар қадрсизланишининг тўғри ҳисобини юритмаслик турли хил муаммолар, молиявий муаммолар келтириб чиқаришини тушуниб етди ва бундай муаммолар олдини олиш мақсадида Халқаро бухгалтерия кенгаши стандартларга активлар қадрсизланиши бўйича жуда кўп қўшимчалар киритди, ва ҳозирги кунда ҳам қадрсизланиш бўйича стандартларга қўшимчалар, ўзгартиришлар киритилиши лозимлигини таъкидлаб келмоқда.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Активлар қадрсизланиши бухгалтерия ҳисобидаги янги терминлардан бири бўлиб, активлар қадрсизланишига оид тушунчаларни биринчи маротоба 36 сон “Активлар қадрсизланиши” БХХСда учратдик. Активлар қадрсизланишига 36 сон БХХСда шундай тариф берилган:

“Қадрсизланишдан заар - бу актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ортган суммасидир” (36 сон БХХС).

36 сон «Активларнинг қадрсизланиши» БХХСни амалиётда қўллаш, фойдаланиш буйича тавсиялар Асаба университети PhD Tennyson (2016) ва Порт Харкорд университети PhD Fynface (2016) N лар хамкорлигидаги “Assets Impairment Testing: An Analysis of IAS 36” активлар қадрсизланиши тести: 36 сон БХХС га тахлиллар мавзусидаги илмий мақоласида кенг қамровда шаклланган. Илмий мақолада “активлар қадрсизланишини ҳисоблаш ҳисоботларни бошқарув қарорларин қабул қилишда фойдаланиётганлар учун ахамиятли” деб ҳисоблаган. Москва Истеъмол кооперацияси университети олими «қадрсизланишдан кўрилган заар фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботларда ва ҳисоботлар моддаларида ошкор қилиниши шарт» (Поленова, 2005), Урал федерал университети доценти Решетникова (2018) “корхона активларни хаққоний қиймат бўйича қадрсизланишни ҳисобга олган ҳолда шакллантириши шарт” деб таъкидлаган.

Активлар қадрсизланиши бўйича мамлакатимиз олимларидан Сайфуллаев (2022) фалсафа доктори (PhD) илмий ишларида “активларнинг қадрсизланишини тўрт

босқичда, жумладан товар-моддий захиралар, номоддий активлар, асосий воситалар ва гудвилнинг қадрсизланиши босқичларида тестдан ўтказиш” (Сайфуллаев, 2022) таклифини шакллантирган.

Активлар қадрсизланишини ҳисоблашда катта ахамиятга эга бўлган активлар тоифаланиши бўйича БҲМСда “«Узоқ муддатли активлар» бўлимида асосий воситалар ва номоддий активлар қиймати, узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатиладиган ускуналар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати кечикирилган узоқ муддатли харажатлар суммалари ошкор қилиниши керак. «Жорий активлар» бўлимида товар-моддий захиралар, келгуси даврлар харажатлари, муддати кечикирилган харажатларнинг жорий қисми, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа жорий активлар суммалари ошкор қилиниши керак.” (15 сон БҲМС) деб белгилаб кўрсатилган. Активларнинг тоифаланиши жорий ва узоқ муддатлиги 15 сон БҲМС ва 1 сон БҲҲС ларда бир хил шаклланган. 1 сон БҲҲСда 15 сон БҲМСда шаклланган активлардан ташқари молиявий активлар, биологик активлар, сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар, солиқ активлари моддалари шаклланган. Булардан ташқари активларнинг таснифланиши бўйича мамлакатимиз иқтисодчи олимлари “Активларни тўғри таснифлаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш имконияти кенгаяди”. И.Ф.д. проф. Исманов (2016) деган фикри, и.Ф.д. доцент Исаев (2024) нинг активларнинг таснифланиши норматив-хуқуқий базаларда аниқ шаклланмаган, Холмурзаев (2024) нинг “активларни тўғри таснифланиши ҳисоб ва таҳлил ишлари учун ута муҳим аҳамиятга эга” деган фикрлари мавжуд.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада, асосан активларга талуқли бўлган БҲҲС, МҲҲС лари таҳлил қилиниб, ўларни мамлакатимизда амалиётда қўллаш, ва ўларни БҲМС лари билан таққослаш бўйича илмий усувлардан, таққослаш усувларидан фойдаланган ҳолда илмий изланишлар олиб борилди. Шу билан бирга илмий асосланган тавсияларни амалиётда қўллаш бўйича йўруқномалар расмлар кўринишида ишлаб чиқилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Халқаро бухгалтерия кенгаши тамонидан қабул қилинган “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси”да активларга қуидагича “Актив — олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс” (Буйруқ, 2022) деб таъриф берилган. Активлар тоифалари 15 сон БҲМС да активлар узоқ муддатли ва жорий активлар бўлиб тоифаланиши кўрсатилган. Узоқ муддатли активларимиз асосий воситалар ва номоддий активлардан ташкил топган. Жорий активларимизга товар моддий захиралар, дебиторлик қарзлар, пул маблағлари ва бошқалардан ташкил топган. Активларнинг тоифаланиши БҲМС билан МҲҲСда дерлик фарқ қилмаслигини 15 сон БҲМС билан 1 сон БҲҲС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”ни таҳлил қилиб ўрганганимизда кўришимиз мумкин. 1 сон БҲҲС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” да ва 15 сон БҲМС да активлар жорий ва узоқ муддатлига бўлиниши лозимлиги белгиланган. Агарда активимиз 2 сон БҲҲС “Захиралар”, 15 сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” да пайдо бўладиган активлар, 12 сон БҲҲС “Фойда солиқлари” да пайдо бўладиган солиқ активларига, 19 сон БҲҲС “Ходимларнинг даромадлари” да пайдо бўладиган активларга, 9 сон МҲҲС “Молиявий инструментлар”даги молиявий активлар, 40 сон БҲҲС “Инвестиция кўчмас мулки”, 41 сон БҲҲС “Қишлоқ хўжалиги”даги биологик активлар, 4 сон МҲҲС “Суғурта шартномалари” даги номоддий активлар, 5 сон МҲҲС “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият”даги узоқ муддатли активларга алоқадор бўлса, биз бу активлар қадрсизланишини 36 сон “активлар

қадрсизланиши” БХХС билан ҳисобини юритишими兹 нотүғри вазият бўлади, чунки бу активлар учун қўлланиладиган стандарталарга асос қадрсизланиш ҳисобини юритишими兹 зарур. Аммо, 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БХХС да 16-сон “Асосий воситалар” БХХС ва 38-сон “Номоддий активлар” БХХСга тегишли активлар қадрсизланиши ҳисобига нисбатан қўлланилади деб кўрсатилган. 38 ва 16-сон БХХС асосида ҳисобини юритадиган активларимиз қадрсизланишини 36 сон БХХС “Активлар қадрсизланиши”да юритишими兹 зарур. 36-сон «Активлар қадрсизланиши» БХХС талабларига жавоб беришилгини таъминлаш мақсадида биринчи навбатда активларимизнинг қадрсизланиш аломатлари бор ёки йуқлигини аниқлашимиз зарур. Агар қандайда бир активларимизнинг қадрсизланиш аломатлари мавжуд бўлса, биринчи навбатда биз шу активнинг қопланадиган қийматини аниқлашимиз зарур. Қопланадиган қиймат бу активнинг хаққоний қиймати ёки фойдаланишдан тушадиган қийматнинг каттаси, хаққоний қиймат шу активни сотиш харажатлари чегирилган ҳолдаги ҳисобдан чикаришдан тушадиган қиймати, фойдаланиш қиймати шу активдан фойдаланиш натижасида тушадиган пул маблағларнинг дисконтланган қиймати деб эътироф этилган. Биз активнинг хаққоний қийматини, ёки активни фойдаланишдан тушадиган пул маблағларнинг дисконтланган қийматини ҳисоблаш жараёнида, шу икки қийматнинг қайси бири активнинг баланс қийматидан катта бўлса, мазкур активнинг қадрсизланмаганлигини исботлаган бўламиз. Агар шу икки қийматнинг каттаси активнинг баланс қийматидан кичик бўлса актив қадрсизланган деб топилади, ва ўртадаги фарқ активнинг қадрсизланган қиймати ҳисобланади ва буларни қуидаги тенгликлар ёрдамида кўришимиз мумкин:

**Активлар қадрсизланиши = Баланс қиймат – қопланадиган қиймат**

**Қопланадиган қиймат = Ҳаққоний қиймат (агар хаққоний қиймат фойдаланиш қийматдан катта бўлган вазиятларда)**

**Қопланадиган қиймат = фойдаланиш қиймат (агар фойдаланиш қиймат хаққоний қийматдан катта бўлган вазиятларда)**

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир<sup>29</sup>.

Фойдаланиш қиймати - бу активдан ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдан олиниши кутилаётган келгуси пул оқимларининг дисконтланган қийматидир<sup>30</sup>.


Ҳисобот таёrlаш жараёнида, агар, активлар қадрсизланиши 0 (ноль) дан катта қиймат ҳосил бўлса, мазкур активни шу суммага қадрсизланган деб ҳисоблаймиз. Мазкур активнинг қадрсизланиш суммасин ҳисоботларда тан олишдан олдин, шу қадрсизланган активни шу қунгача қайта баҳоланган актив ёки қайta баҳоланмаган активлигини аниқлаштиришни таклиф қиласиз. Агар мазкур актив шу қунгача қайta баҳоланмаган бўлса, биз активнинг қадrсizлaniш сумmasin fойda ёki zaarar tўғrisidagi ҳисоботда zaarar sifatiida tan olamiz. Қадrсizланган aktivimiz shu қунгача қайta баҳolанmagan aktiv bўlسا, қадrсizлaniш summasi boшқa umumlashgan daromadda mazkur aktivnинг қайta баҳolaniшdan yiғilgan daromadini kamaytiramiz. Қадrсizлaniш summamiz mazkur aktivnинг қайta баҳolaniшdan yiғilgan daromadidan kattha bўlган vaziyatda, barcha қайta баҳolaniшdan yiғilgan daromad summasin kamaytirib, қolgan summami fойda ёki zaarlar tўғrisidagi ҳисоботda zaarar sifatiida tan olamiz.

<sup>29</sup> 13-сон МХХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”

<sup>30</sup> 36-сон БХХС «Активлар қадrсizлaniши»

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб, активлар қадрсизланиши ҳисобини МҲҲС асосида юритиша қўйидаги кетма кетликларни бажаришни тавсия қиласиз.



**1-расм. Активлар қадрсизланиши ҳисобини МҲҲС асосида юритиши**

#### Адабиётлар / Литература / Reference:

Oghoghomeh Tennyson, Akani Fynface N., (2016). Assets Impairment Testing: An Analysis of IAS 36. African Research Review, An International Multidisciplinary Journal, Ethiopia/№40, 178-192. – ajol.info

Бўйруқ (2022) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон бўйруғига 1-ИЛОВА

БҲМС (2003) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (15-сонли бҳмс) «Бухгалтерия баланси»ни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг бўйруғи, 20.03.2003йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1226. - <https://lex.uz/nsbu>

Исаев, Ф. (2024). Рақамли молиявий активларни солиқка тортиши масалалари. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 2(1), 352–360. <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/632>

Исманов И.Н. (2016) “Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишининг айrim munozarali жиҳатлари” Иқтисод ва молия/Экономика и финансы. 2016/2. Б 39-45. <http://uzscite.uz/wp-content/uploads/2020/01/39-45.pdf>

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрьда 61 рақамли бўйруғи, 36сон “Активлар қадрсизланиши” БҲҲС, 21- илова, рўйхат рақами 3400. - <https://lex.uz/docs/6312360>

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрьда 61 рақамли буйруғи, 1 сон “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” БХХС, 2-илова, рўйхат рақами 3400. - <https://lex.uz/docs/6312360>

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрьда 61 рақамли буйруғи, 13 сон “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” МХХС, 39-илова, рўйхат рақами 3400. - <https://lex.uz/docs/6312360>

Поленова С.Н. (2005) Обесценение активов в отчетности по МСФО. Международный бухгалтерский учет. Научный журнал на тему: Экономика и бизнес. Издательство Общество с ограниченной ответственностью «Издательский дом ФИНАНСЫ и КРЕДИТ» 4 (76)-2005. С.9-12. <https://cyberleninka.ru/article/n/obestsenenie-aktivov-v-otchetnosti-po-msfo/viewer>

Решетникова О.Е. (2018) Оценка активов организации с учетом обесценения в соответствии с МСФО / О. Е. Решетникова // XII Международная конференция «Российские регионы в фокусе перемен». Екатеринбург, 16-18 ноября 2017 г. : сборник докладов. — Екатеринбург: Издательство УМЦ УПИ, — Ч. 2. — С. 738-744. [https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/61055/1/978-5-8295-0584-4\\_80.pdf](https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/61055/1/978-5-8295-0584-4_80.pdf).

Сайфуллаев М.С. (2022) “Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари асосида активлар қадрсизланиши ҳисобини юритишнинг мақсад ва вазифалари”, “Молия бозорини ривожлантиришинг устувор ўйналишлари, замонавий тенденсиялари ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий коференсияси Материаллар тўплами, 2022-yil 25-noyabr, Б 887-890.

Холмурзаев У.А. (2024). Молиявий активлар таснифини таомилластириш. Образование наука и инновационные идеи в мире. Выпуск журнала №41 Часть-2. С. 82-86. <https://newjournal.org/index.php/01/article/view/12269/11892>